

## **Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари**

### **1-§. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Ички ишлар органларининг одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда Одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ички ишлар органлари ходимлари, ҳарбий хизматчилари ҳамда ишчи ва хизматчиларининг (бундан буён матнда ички ишлар органлари ходимлари деб юритилади) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ички ишлар органлари ходимларининг хизмат интизоми ва қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олишга, уларнинг содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, ходимларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Одоб-ахлоқ қоидаларида ички ишлар органларининг одоб-ахлоқ ва касб этикаси меъёрлари йиғиндиси, маънавий кадриятлар ва инсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ соҳасидаги хизмат мажбуриятлари, хизмат ва хизматдан ташқари вақтларда касб этикаси талаблари, ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги маънавий мезонлар, коррупцияга қарши хулқ-атворнинг стандартлари ўз аксини топган.

4. Ички ишлар органларига хизматга кираётган фуқаролар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар. Ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш мажбурияти – унинг ички ишлар органларига хизматга қабул қилинган кундан эътиборан келиб чиқади.

5. Ички ишлар органлари ходимлари қонун ҳужжатларига ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

6. Ички ишлар органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши – касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилиши ички ишлар органлари вазифа ва функцияларининг аниқ ва сифатли бажарилиши ҳамда жамоатчиликнинг улар фаолиятига нисбатан ишончини мустаҳкамланиши ва

халқ томонидан ходимларнинг қўллаб-қувватланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

8. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳар бир ходимнинг Ватан равнақи учун хизмат қилишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга интилишини, жасурлик ва фидойилик билан эл-юртга хизмат қилишини белгиловчи дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

## **2-§. Ички ишлар органлари ходимларининг хизматдаги хуққ-атворининг умумий принциплари ва қоидалари**

9. Ички ишлар органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

конунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

10. Ички ишлар органлари ходимлари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини (берган топшириқларини) вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва

конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат органининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ғайриқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

давлат органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

11. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ички ишлар органлари ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

12. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ички ишлар органлари ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

13. Ички ишлар органлари ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши лозим.

Ички ишлар органлари ходими бирор-бир шахс томонидан ўзини ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундайдиган мурожаатлари бўйича, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва ўзига маълум бўлиб қолган ҳар қандай ҳолат юзасидан бевосита бошлиғига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга батафсил маълумотлар асосида хабар бериши шарт.

Ички ишлар органлари раҳбарлари қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши факти тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ходимларнинг ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўйилмаслигини таъминлаши керак.

14. Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

15. Ички ишлар органи бошлиғи ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф

хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, маҳаллийчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларини, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларни қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

16. Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ички ишлар органлари ходимлари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилади.

Ички ишлар органлари ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ички ишлар органлари ходимлари ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга нисбатан қонунга хилоф тарзда турли хил психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

17. Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ички ишлар органлари ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши лозим.

18. Ички ишлар органлари ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

### **3-§. Манфаатлар тўқнашуви**

19. Ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ички ишлар органлари ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз

бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки тадбиркорлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ички ишлар органлари ходимлари ўз бошлиғини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган бошлиқ ҳолатни ёки қўл остидаги ходимни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

20. Ички ишлар органлари ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

#### **4-§. Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқининг асосий талаблари**

21. Ички ишлар органлари ходимлари одоб-ахлоқининг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

хизмат бурчини бажаришга виждонан ёндашиш, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, фуқароларга беғараз ёрдам бериш, моддий ва маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

фуқаролар билан мулоқотда хушмуомалали бўлиш;

ақл ва мулоҳаза билан иш юритиш, юклатилган хизмат вазифаларни бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, таниш-билишчилик ва маҳаллийчиликдан сақланиш;

руҳан ва жисмонан тетик, бардам, ҳушёр ва доимо огоҳ бўлиш, иродани чиниқтириб бориш;

оғир дамларда сабр-бардошли бўлиш, давлат ва хизмат сирларини сақлаш;

ҳамкасбларига, дўстларига айбини ва камчиликларини ўз вақтида айтиш ҳамда уларни бартараф этишда ёрдам бериш;

шахс, жамият ва давлатга қарши ҳар қандай ҳаракат ва тажовузларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этувчи шахсларга нисбатан муросасиз бўлиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиш, сансалорликка йўл қўймаслик;

аҳоли ўртасига кириб бориш, уларни яхши ва ёмон кунларида ҳамдард бўлиш орқали ишончини ошириш, ички ишлар органлари ходими деган

юксак номни асраб-авайлаш, уни обрўсини янада юксалтириш чораларини кўриш;

Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини оғишмай бажариш;

ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш, ростгўй бўлиш, амалпарастлик, ифво, тухмат, ҳасадгўйлик, тамагирлик, маиший бузуқлик каби иллатлардан холи бўлиш;

ўз устида мунтазам изланиш, хизматдаги хато ва камчиликларни доимо аниқлаб бориш ва бартараф этиш чораларини кўриш, хизмат йўналишини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб бориш, қонунчилик нормаларини кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.

22. Ички ишлар органлари ходимлари соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари, турли зарарли одатлардан ҳимояланишлари зарур.

23. Ходим оиласида юзага келган зиддиятларни амалдаги қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда ҳал этади. Оила аъзолари ва яқин қариндошларининг ғайриқонуний фаолиятлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан суриштирув ёхуд тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ҳолларда хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб, уларнинг фаолиятига аралашмаслиги лозим.

24. Ходим хизмат фаолияти давомида хизматга тааллуқли бўлмаган ишларга аралашмайди, ўзининг хизмат жойини ёки навбатчиликда турган постини раҳбарининг руҳсатисиз ўзбошимчалик билан ташлаб кетмайди. Хизмат вақтида ва хизматдан ташқари вақтларда қимор ва шунга ўхшаш ўйинларда қатнашмайди, шахсий манфаати йўлида хизмат гувоҳномасини фуқароларнинг қўлида гаров тариқасида қолдирмайди ва бегона шахсларга бермайди.

Ходим хизмат кийимидаги фото ва видеотасвирларини интернет тармоғидаги турли ижтимоий сайтлар (фейсбук, твиттер, ютуб, одноклассники ва бошқалар)га жойлаштириши мумкин эмас.

25. Ички ишлар органлари ходимлари қабих ишлар, ножўя хатти-ҳаракат ва иллатлардан сақланиши, ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё каби юксак ахлоқий туйғуларига эга бўлиши, инсонпарвар, маърифатли, камтар, мард, сабр-тоқатли, вафоли бўлиши лозим.

26. Ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги иллатлардан холи бўлиши керак:

хизмат фаолиятини ўз хаёллари ва фаразлари билан алмаштириш, муайян шахслар ва гуруҳларнинг ёлғон фикрларига ишониш ва қўллаб-қувватлаш;

ҳамкасблари ва қўл остидагиларга босим ўтказиш ёки шундай ҳолатларга кўз юмиб туриш;

хизмат жараёнида кўнгилсиз воқеа, оғир вазиятлар, турли бахтсизлик, мусибат ва кулфатни енгиш ҳиссини йўқолиши;

бошқаларга доимо шубҳа билан қараш ва уларнинг фикрларига ишонмаслик, ходимлар ва раҳбарларнинг бир-бирига ишонмаслиги, улардан гумон ва хавфсираш;

хизматга бепарволик, эътиборсизлик, лоқайдлик билан қараш;

хизмат интизомини баҳолашга қатъий принципнинг йўқлиги, маънан нопоклик ва иккиюзламачилик;

шахсиятпарастлик, манмансираш ва ўз манфаатларини бошқалар манфаатларидан юқори қўйиш, ўз шахсиятини ва ўзини бошқалардан устун қўйиш;

бузғунчилик, фитнесбозлик, пасткашлик, майдагаплик;

гайирлик, кўролмаслик, ҳасад билан қараш;

жиноят олами маданиятининг элементлари, ахлоқи ва сўзларидан фойдаланиш;

ахлоқсизлик, бузуқлик, ичкиликбозлик ва тақиқланган моддаларни истеъмол қилиш;

қўполлик, кўрслик, бемехрлик, худбинлик, ҳасадгўйлик, таъмагирлик, ифвогарлик, тухматчилик, баднафслик, бадниятлик, баджаҳллик, дилозорлик, товламачилик, беҳаёлик, бевафолик, жанжалкашлик, жиззакилик ва бошқа шу кабилар.

Раҳбарлар ички ишлар органлари ходимлари ўртасида психологик барқарор муҳитни ва шароитни яратиши, одоб-ахлоқ қоидаларини шакллантириши ва ривожлантириши, ходимларни турли тарбиялаш йўллари билан салбий ҳулқ-атворни олдини олиши лозим.

## **5-§. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқини шакллантириш**

27. Ички ишлар органлари ходими ўқиш, ўрганиш ва изланишдан чарчамайди. Ўз Ватанининг тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганади. Касбий билимларини, нутқ маданиятини ўстиришга интилади. Мустақил фикрга эга бўлишга, ўз устида ишлаб, янгиликлар яратишга ҳаракат қилади. Ўзига нисбатан талабчан ва хизматдошларининг яхши фазилатларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

28. Кундалик матбуот ва оммавий ахборот воситаларини мунтазам равишда кузатиб боради. Ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб боради. Жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмайди. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш усулларини ўрганади.

29. Ички ишлар органлари ходими жиноий унсурларнинг фойдаланиши мумкин бўлган ҳаракат услуби, пинҳона иш қоидалари,

ишлатиши мумкин бўлган қурол ва бошқа воситалардан яхши хабардор бўлиши лозим. Ҳар қандай шароитда ўзининг, касбдошларининг ҳамда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга тайёр бўлиши шарт.

30. Ички ишлар органларида узоқ йиллар давомида самарали хизмат қилаётган ходимларнинг хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланади.

31. Раҳбар меҳнат жамоасида соғлом руҳий муҳитни шакллантириш мақсадида:

ишга бўлган муносабати ва ижобий хислатлари билан жамоада соғлом ва аҳил маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка, моддий-техника воситаларига ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ҳамда тежамкорлик билан муносабатда бўлиши;

ходимларни ички ишлар органлари фаолияти мақсадларидан келиб чиқиб тўғри тушуниши;

белгиланган вазифаларни биргаликда, ҳамжихатликда ва аҳилликда бажаришга қодир ва тайёр бўлиши;

ходимларга зарурий ва қулай иш шароити яратиши;

жамоа ижтимоий кайфиятининг барқарорлигини сақлаши;

бир-бирига ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириши;

хизмат жамоасини бирлаштирувчи ижобий омиллар, анъаналарни ва қадриятларини сақлаши;

ходимлар орасида одоб-ахлоққа зид салбий омиллар ва ўзгаришлар юзага келганда уларни бартараф этиши;

ходимларига нисбатан муносабатда ижтимоий тенглик, одиллик ва адолатлилик принципларига қатъий риоя этилишини таъминлайди.

32. Раҳбар – ўз бўйсунувидаги ходимларнинг иш ҳажми ва вазифалар тақсмотини улар эгаллаб турган лавозимидан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаш, уларга хизмат вазифаларидан ташқарига чиқувчи топшириқларни бермаслиги, ходимларга нисбатан асосиз раҳнамолик қилиш (рағбатлантириш, лавозимини кўтариш ва ҳоказо) ёки уларнинг ножўя ишларига бепарволик (фаолиятидаги камчиликлар учун тегишли чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига эътибор бермаслик), шунингдек, интизомий жазо чорасини қўллаш борасида ўзига берилган ваколат доирасидан четга чиқиш ёки лозим бўлган ҳолларда жазо чораси қўлламаслик ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

## **6-§. Ходимларнинг хизмат кийимларини кийиш ва ўзаро муомала маданияти**

33. Ходимлар хизмат жараёнида хизмат кийимларини бўй-бастига мос, дазмолланган, тугмалари қадалган, мавсумга қараб тоза ва озода кийишга, фарқловчи белгиларни (погон, шеврон ва ҳ.к.), давлат мукофотлари

ва ички ишлар органлари кўкрак нишонларини ўрнатилган тартибда тақиб юриш қондасига қатъий амал қиладилар.

Ходимлар хизмат вақтида ва хизмат кийимида спиртли ичимлик истеъмол қилмайди.

34. Хизмат кийимида юрганда унвони кичик ходим унвони катта ходимга биринчи бўлиб ҳарбийча салом беради. Саломни баланд овозда аниқ ва тушунарли тарзда беришлари керак. Саф олдидан ўтаётганда Ўзбекистон Республикаси Умумҳарбий низомлари асосида ҳарбийча салом берилади.

35. Ходим хизмат кийимида ноўрин хатти-ҳаракатларни қилмаслиги лозим (қўлни қоринга қўйиб, кучоқлашиб ёки ўпишиб саломлашиш, қўлни чўнтакда солиб юриш ва ҳ.к.).

Ходимлар, шу жумладан ишчи ва хизматчилар соч-соқоли олинган, турмакланган ҳолда иш услубида кийимлар тоза ва озода ҳамда дид билан кийинишлари лозим. Калта юбка, тор шим ва турли спорт кийимларини (футболка, майка ва ҳ.к.) кийишлари, хизмат ва фуқаролик кийимини аралаштириб кийиш, ўзининг асл ташқи кўринишини йўқотган кийимда юриш, соқол ўстириш, узун бакенбард қўйиш, никоҳ узугидан бошқа заргарлик буюмларни тақиб, татуировкалар чиздириш тақиқланади.

36. Ходим хизмат вазифасини бажариш вақтида ва хизмат кийимида атрофдагиларни эътиборини тортадиган ҳамда бачкана бўлиб туюлиши мумкин одатлардан тийилиши (масалан, писта чақиши, сақич чайнаши, уяли алоқа воситаларида турли ўйинларни ўйнаши, наушник орқали ашула ёки мусиқа эшитиши ва ҳ.к.), шунингдек хизмат фаолиятига дахлдор бўлмаган буюм ва предметларни кўтариб юрмаслиги лозим.

37. Ходимларнинг ўз ҳамкасблари билан сўзлашиш одоби ва муомаласи ходимнинг ҳамкасблари орасидаги нуфузини белгилайди. Ходим ҳамкасблари билан катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ва тенгдошларига эҳтиром тарзида самимий сўзлашади. Ўзаро мулоқотда камтар, мулойим, босиқ, вазмин ва самимий бўлади. Сўзларни аниқ, раво ва тушунарли талаффузда, шопилмасдан ифодали баён этади. Ҳамкасблари ва бошлиқларига уларнинг унвонини айтиб мурожаат қилади. Раҳбарлар томонидан берилган топшириқларни диққат билан тинглайди. Бошлиқлари ва ўзидан катта унвондаги ходимлар билан муносабатда ўзини вазмин тутади.

38. Ҳамкасблари билан сўзлашаётганда бир-бирларининг шахсиятига тегадиган кўпол сўзлар айтмайди. Ёши катталарнинг сўзини бўлмайдди, тенгдошлари ва кичикларнинг сўзини охиригача тинглаганидан сўнг, ўз фикрини аниқ ва тўлиқ баён этади.

39. Раҳбар билан суҳбатлашганда ундан олдин сўзламайди ва гапини диққат билан эшитиб, кейин жавоб қайтаради. Зарурат бўлса, ўз фикр-мулоҳазасини раҳбар сўзини тугатганидан сўнг, ундан рухсат сўраб билдиради.

40. Раҳбар ходим ўтирган жойда ҳозир бўлса, дарҳол ўрнидан туриб кутиб олади, агарда раҳбар ўтирган бўлса, ходим ёнида тик туради, рухсат

берса ўтириши мумкин. Юриб кетаётганда унинг олдига ўтиб олмайди. Раҳбар томонидан айтилган танбеҳни тўғри қабул қилади ҳамда камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради. Келгусида йўл қўйган камчиликларини такрорламайди.

41. Унвони юқори ходим қайси лавозимда хизмат қилишидан қатъи назар, унвони кичик ходим томонидан хизмат кийимини кийиш тартиб-қоидалари ва бошқа тартиббузарлик ҳолатларини кўрса, танбеҳ бериб уни бартараф этиш чораларини кўриши, унвони кичик ходим эса, танбеҳни тўғри қабул қилиб камчиликларни бартараф этиши лозим. Шунингдек, унвони юқори ходим жамоат тартиби ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган вақтда хизмат вазифасини бажараётган унвони кичик ходим томонидан қўйилаётган қонуний талабларни бажариши ҳамда содир этаётган ҳуқуқбузарликни тўхтатиши шарт.

42. Хизмат телефонидан фойдаланганда лавозими, унвони ва фамилиясини айтиб, суҳбатдошига ўзини таништиради. Суҳбатдоши билан фақат хизмат доирасидаги масалалар бўйича сўзлашади, қўпол муомалада бўлмайди. Фуқаролар билан сўзлашганида хизмат фаолиятига оид тарқатилиши чекланган маълумотлар ҳақида гапирмайди. Ўз фикрини қисқа, аниқ ва лўнда баён этади. Хизмат хонаси ва жойида фақат хизматга доир ишлар билан банд бўлади.

43. Хизмат хонаси маънавий-руҳий муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи (ёрдам берадиган) қулай ва шинам қилиб жиҳозланиши, хизматдошлар ва ташриф буюрганларда юқори таассурот уйғотувчи, расмий, мўътадиллик ва шинам шароитда бўлиши лозим.

Хизмат хонасига ходим эришган муваффақиятларни кўрсатувчи фахрий ёрлик, диплом, сертификат ва бошқа гувоҳномаларни олиш мумкин.

Хизмат хонасида диний-ибодат ва антиквар буюмлар, зеб-зийнатлар, қимматбаҳо ва ҳашаматли нарсалар, тош ва металллар, (чой ёки сув ичишга мўлжалланган нарсалардан ташқари) сақлашга йўл қўйилмайди.

## **7-§. Ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданияти**

44. Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўйини белгилаб беради.

45. Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чора қўллаш масаласини ҳал этади.

46. Ички ишлар органлари ходимлари эл-юрт осойишталиги посбони сифатида хизмат зарурати туфайли чет эл фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришганда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чехра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда таржимон таклиф этади.

47. Ходим фуқаролар билан суҳбатлашишидан олдин ўзини таништириши, ходимнинг хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда ўша заҳоти талаби қондирилиши лозим. Суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиши, бирор нарсани истеъмол қилиши ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этмайди.

48. Ходим ички ишлар бўлимига олиб келинган, ушланган ёки қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини поймол қилмайди. Ўз навбатида уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам беради, уларнинг ушланганликлари ҳақида яқин қариндошлари ёки иш жойига ўрнатилган тартибда хабар беради.

49. Ҳуқуқбузар тақдим этган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлмайди. Ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида тааллуқли бўлмаган буюмлар (пул, ёзувли қоғоз парчаси, ташриф қоғози ва ҳ.к.) бўлса, уларни эгасига қайтаради. Ҳуқуқбузарга нисбатан ножўя хатти-ҳаракатлар содир қилмайди.

50. Ички ишлар органлари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар органлари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олиши тақиқланади.

51. Спиртли ичимлик ичган, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалар истеъмол қилган шахслар билан мулоқотга киришганда, агарда улар ўзларини тўғри тутсалар ҳам шахсий хавфсизликни таъминлаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши ҳамда тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши зарур.

52. Ходимлар жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида йўловчилар билан хушмуомалада бўлиб, кексаларга, ёш боласи бор аёлларга жой беришни, ёшларни ёши катталарга жой беришга ундашни, жамоат транспортида ёки бекатда ҳуқуқбузарлик содир этилса дарҳол уни бартараф этиш учун зарур чоралар кўришни, жабрланувчига ёрдам бериши ҳамда жамоат тартиби сақланишини таъминлашни хизмат ва фуқаролик бурчи деб ҳисоблашлари шарт.

## **8-§. Ички ишлар органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари маданиятига риоя этиши**

53. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ушлаб турилган, қамоққа олинган шахслар ва маҳкумлар, шунингдек жавобгар, даъвогар, гувоҳ, холис, адвокат ва бошқа процессуал қонунчилик иштирокчилари

билан мулоқотга киришаётганда хушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

54. Ички ишлар органлари ходимлари касби талаб этадиган юксак даражадаги масъулиятга мувофиқ жамоага хизмат қилиб, барча шахсларни ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя этиб, ўз зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларни доимий равишда бажарадилар.

55. Агар мажбуриятлар ёки одил судлов талабларини ижро этиш бошқача иш тутишни талаб этмаса, ички ишлар органлари ходимларининг махфий хусусиятга эга бўлган маълумотлари сир сақланади.

56. Ҳеч бир ички ишлар органлари ходими қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситишдан иборат бўлган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши, бунга ундаши мумкин эмас.

57. Ички ишлар органлари ходими ўзлари ушлаган шахсларнинг соғлиғи тўлиқ сақланишини таъминлайдилар ва зарур бўлганда дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилиши учун чора кўрадилар.

58. Ички ишлар органлари ходими барча имкониятларини ишга солиб, ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий тартиботни бузиш ҳолларининг олдини оладилар ва бундай ҳолатларга ҳар томонлама тўсқинлик қиладилар.

59. Ички ишлар органлари ходими Одоб-ахлоқ қоидалари бузилган ёки бузилади деб ҳисоблаш учун асосларга эга бўлган тақдирда юз берган воқеа ҳақида юқори турувчи раҳбарига ва зарур бўлса, назорат қилиш органларга хабар берадилар.

## **9-§. Ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

60. Ходим томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

61. Ходим томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

62. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари ички ишлар органларидаги жамоатчилик судлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик судлари Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаларини ўрганиб чиқади ва Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида тегишли хулоса қабул қилади.

Одоб-ахлоқ қоидалари бузилган деб топилган ҳолатлар юзасидан тегишли ички ишлар органи раҳбарига интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисида таклиф киритади ёхуд йўл қўйилган қоидабузилишнинг хусусияти, қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атворини ҳисобга олган ҳолда унга

нисбатан келгусида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўймаслиги тўғрисида огоҳлантириш билан чекланади.

Ходим ўзи йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек тегишли раҳбарнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.